

Экзоген геологик жараёнлар

Режа:

- 1. Нураш**
- 2. Шамолнинг геологик иши**
- 3. Ер юзасидаги оқар сувларнинг геологик фаолияти**
- 4. Музликлар ва уларнинг геологик иши**
- 5. Денгизларнинг геологик иши**
- 6. Кул ва боткокликларнинг геологик иши**

Умумий тушунчалар

Геологик жараёнлар деб, ер пустининг таркибини, тузилишини, ётиш холатини узгартирадиган хамда тог жинсларини хосил киладиган, табиий жараёнларга айтилади.

Геологик жараёнлар содир булиш муддатига кура турлича булади: айримлари жуда тез муддатда тугалланади (вулкон отилишлари, зилзилалар) айримлари эса жуда узок вакт, узлуксиз, сокин бир неча миллион йиллар давом этади (тектоник харакатлар, дарёларнинг уз узани ва киргокларини ювиши) ва ернинг ташки киёфасини ва ички тузилишини узгартиради.

Экзоген геологик жараёнлар ер юзасида содир булади ва хароратнинг кеча-кундуз ва фасл давомида узгариши, ёмгир, кор сувлари таъсири, денгиз сувларининг кутарилиши ва пасайиши, шамолнинг таъсири натижасида тог жинслари парчаланади ва бу парчаланган жинс булаклари турли масофаларга ташилади, ёткизилади ва янги чукинди жинс уюмларини хосил килади. Экзоген геологик жараёнларига организмларнинг скелет колдиклари ва усимлик колдикларидан чукинди жинс хосил булиши жараёнлари хам таллуклидир.


Экзоген геологик жараёнлар ер юзасида эндоген геологик жараёнлар натижасида хосил булган макрорельефнинг текисланишига сабаб булади, яъни юкори баландликларга жойлашган тог жинслари парчаланади, бузилади, турли табий омиллар ёрдамида ташилади ва рельефнинг чукур, пасткам ерларига ёткизилади. Натижада нисбатан текисланган юзаларни пасттекисликларни дарё водийларини хосил килади.

Экзоген геологик жараёнларга (келтириб чикарувчи сабабларга кура) нураш, шамолнинг, окар сувларнинг, музликларнинг, денгизларнинг, кулларнинг, боткокликларнинг, ер ости сувларининг ва нихоят одамларнинг геологик фаолияти киради.

Эндоген геологик жараёнлар дейилганда, ернинг ички сфераларидан ажралиб чиккан магма массасининг литосфера катламларидағи харакати тушунилади. Тог жинси катламларининг бурмаланиши ёки узилиши натижасида ер пустининг айрим кисмлари ёриклар юзаси буйлаб кутарилиши ва букилиши натижасида тог тизмалари ва ботикликларнинг хосил булиши хам киради. Бу массанинг бир кисми ер пустидаги йирик ёриклар оркали ер юзига сизиб чикиши мумкин.

Магма массасининг литосфера ёриклари буйлаб харакати жараёнида, литосферанинг айрим кисмлари каттиқ киздирилади, атрофида жойлашган жинсларга эритмалар, газлар, буглар катта босим билан таъсир курсатади ва натижада жинсларнинг таркиби, тузилиши ва ётиш холати узгаради.

Ички ва ташки кучларнинг қарама-каршилиги, узаро таъсири ва бирлиги планетамиз тарихий ривожланишининг диалектикасидир.



Эндоген ва экзоген жараёнларнинг умумий турлари

Нураш

Нураш деб, ер юзасида жойлашган тог жинсларининг хароратнинг кескин узгариши, сувларнинг жинс ёрикларида музлаши, карбонат кислотаси, кислород, усимлик ва организмларнинг тог жинсларига тъсири натижасида узгариши ва бузилишига айтилади.

Физик нураш асосан хароратнинг кеча-кундуз, киш ва ёзда узгариши натижасида содир булади ва тог жинсларининг парчаланишига олиб келади.

Куёш кундузи тог жинслари юзасини киздиради иссилик жинс катламларига аста-секин таркалгани учун юкорида жойлашган катламлар ичкари катламларга нисбатан каттарок микдорга кенгаяди. Бундай нотекис кенгайиш тог жинсларининг ёрилишига, парчаланишига ва катлам-катлам булиб булинишига олиб келади.

Агар тог жинслари дарзларига сувлар тушса хароратнинг пасайиши натижасида улар музлайди ва уз хажмини 9 фоизга купайтиради. Натижада ёрик ва дарзлар кенгаяди, чукурлашади ва жинслар майда булакларга ажралади.

Кимёвий нураш. Бу жараёнда ер юзида жойлашган тог жинслари сув буглари, хаводаги газлар хамда кислород, карбонат ангидрид гази, тузлар билан туйинган сувлар ва турли кислоталар тъсири остида бузилади. Яъни оксидланиш гидратация, дегидратация, эриш ва гидролиз жараёнлари юз беради.

Тог жинслари ва минералларнинг оксидланиши хаводаги намлиқ, сув таркибидаги эркин кислороднинг таъсири остида содир булади, айникса таркибида Fe_2O булган минераллар ва жинсларда оксидланиш тез ривожланади. Магнетит кислород таъсирида лимонитга айланади. Темирнинг оксид бирикмалари кум зарралари атрофида пустлок хосил килади ва кумларни цементлаштиради.

Таркибида сув булмаган минералларнинг узига сувни бириктириб олиш ходисаси гидратация дейилади. Натижада сув зарраларининг маълум микдори минералларнинг структурасига жойлашади ва факат 400°C дан юкори хароратда минералдан ажралиши мумкин.


Гидратация жараёнига мисол килиб ангирид (CaSO₄) нинг гипсга (CaSO₄ · 2H₂O) айланишини курсатиш мумкин. Агар жинслар катта чукурликларга жойлашган булса, харорат таъсирида таркибидаги сувни йукотади, дегидратация ходисаси руй беради ва гипс ангиридга айланади.

Минерал моддаларнинг эритмага утиш жараёни эриш дейилади. Кулай шароитда эса улар эритмадан ажралиши хам мумкин. Табиий сувларнинг эритиш кобилияти сув молекулаларининг H⁺ ва OH- ионлариiga диссоциацияланганлигига боғлиқ. Диссоциацияланиш даражаси хароратнинг кутарилиши ва сувдаги эркин карбонат кислотаси микдорининг ортиши билан боғлиқ.

a)



б)



Гидролиз жараёнида минераллар диссоциацияланган сувлар таъсирида парчаланади, янги бирикмаларни хосил килади ва айrim элементларни эриган холда ажратиб чикаради.

Алюмосиликатлар гидролизи жараёнида улардан K, Na, Ca, ажратиб чикарилади (олиб чикиб кетилади). Бу катионлар сувда эриган карбонат ангидрид кислотаси билан узаро таъсирда булиб эритмаларга утади ва карбонатлар, бикарбонатлар куринишида ерости ва усти сувлари билан олиб чикиб кетилади.

Органик нураш. Кимёвий нураш жараёнининг жадаллиги ер пустининг юкори кисмида ва юзида тирик организмларнинг хаёт фаолияти таъсири остида кескин ортади.

Биомасса, атроф ва биомасса жойлашган мухит уртасида узаро таъсир хукм суради. Атомлар органик мухитдан тирик организмга ёки тирик организмдан ноорганик мухитга утиб туради. Биомасса яна атмосфера, гидросфера ва литосфера билан жуда якин болжланган. Унинг бу мухитларга таъсири вакт утиши билан кучайиб борган.

Организмлар атмосферанинг 6 километрли баландлигигача, гидросферанинг 11500 метр чукурлигигача ва литосферанинг бир неча юз метр чукурлигигача таркалганлиги аникланган.

Хулоса килиб айтганда тог жинсларига физикавий, кимёвий ва органик характердаги таъсирлар натижасида катламлар юзасида турли калинликга эга булган нураган, бузилган, парчаланган, узгарган ва кесимда нотекис катталиктага эга булган донали тог жинслари хосил булади. Нураш окибатида хосил булган бу махсулотларга элювиал ёткизиклар дейилади.

Ер пустининг элювиал ёткизиклардан ташкил топган юкори кисмини *нураш кобиги* дейилади.

Шамолнинг геологик иши

Шамол барча табиий минтакаларда, айникса кулай шароит мавжуд булган ерларда катта геологик иш бажаради, яъни кургокчилик туманларда усимлик кобиги сийрак ерларда, тог жинслари жадал нураган ерларда, тухтовсиз шамол эсиб турадиган ва катта тезлик ривожланиш учун шароит мавжуд булган ерларда бу холни кузатиш мумкин.

Шамолнинг геологик фаолияти курукликда, тог жинсларини парчаланишда, уларни бир жойдан иккинчи жойга кучиришда ва уларни ёткизишда намоён булади.

Дефляция ва корразия. Шамол уз таъсирини текис ер юзаларигагина утказмай, унинг чукур жойларига хам таъсири утказиб, тог жинсларининг зарраларини юлиб, учирив олиб кетади. **Бу ходисага дефляция дейилади.** Бу жараён натижасида тусик хосил килган тог жинслари юзасида турли катталикдаги, улчамдаги, чукурликдаги нотекисликлар, уйилган жойлар хосил булади.

Дефляция жараёни билан корразия (силликлаш, чархлаш) жараёни хам бир вактда юз беради. Чулда шамол билан бирга кутарилган кум зарралари турли тусикларга куч билан урилади. Агар тог жинслари уз таркиби буйича турли катталикдаги минераллардан ташкил топган булса, уларнинг юзаси чукурчалар билан копланади, бир хил минераллардан ташкил топган булса, улар бир текис силликланади.





Барханлар ва дюналар. Шамол билан кутарилган жинс зарралари баландлик буйича сараланади. Йирик (3-4 см) зарралар 2-5 метр баландликда, йирик донали кумлар 8-10 метр баландликда, майда кумлар бир неча ун метр баландликга, чанг зарралари эса 1000 метр ва ундан ортик баландликга кутарилади ва харакатланади.

Уларнинг тупланиши зарраларнинг катталиги буйича сараланиш билан бир вактда содир булади. Энг йириклари ер юзаси буйлаб юмалайди ва жуда кичик тусикларга дуч келиши билан уз харакатини тухтатади.

Бундай ёй шакли куринишидаги кум тепаликларини **барханлар дейилади**.

Денгиз, кул ва дарё киргокларида жойлашган кумларнинг шамол таъсиридан харакатланиши, ташилиши ва сохил буйлаб ёткизилиши натижасида чузик кум уюмлари яъни дюналар хосил булади.

Барханлар



Ер юзасидаги оқар сувларнинг геологик фаолияти

Делювиал жараёнлар. Бу жараёнлар айникса тепалик, жарликлар ва дарё водийларининг ёнбагирларида кенг куламда намоён булади. Ётиқ юзаларга ёғган ёмгир ёки эриган корлар нурашдан парчаланган майда заррали жинсларни юпка парда куринишида туйинтиради. Туйинган парда уз огирилиги таъсирида юза буйлаб харакат килади. Огирашган сув пардаси билан харакат килаётган жинс заррачалари кияликнинг пастки текис ва ётиқ ерларига ёткизилади. Бу жараён куп марта кайталанади ва кияликларнинг остки кисмларида делювиал шлейфни хосил килади.



Делювиал ёткизиклар хосил булишининг схемаси

- 1.Кияликнинг бирламчи юзаси ;
- 2 ва 3-кияликнинг кейинги холатлари;
4. Ювилиш натижасида текисланган юза; а,б,в-делювиал ёткизиклар.

Жарликларнинг хосил булиши. Тог жинсларининг вактинча хосил буладиган окимлар билан ювилиши ерларнинг уйилишига олиб келади. Ёмгир ёгиши кайталаниши билан водий ёнбагридаги уйилманинг чукурлиги ортиб боради ва киялик буйича юкорига ва пастга усиб боради. Уйилма баландликнинг юкорисига етгандан сунг тик девор хосил булади ва йигилган сувлар шаршара куринишида окиб туша бошлайди. Натижада ювилиш тезлашади ва уйилма урнида жарлик хосил булади.

Жарликларнинг уз тагини ювиши эрозия базисигача давом этади. Жарликнинг куи кисмидаги энг пастки сатхи ёки жарлик дарёга, кулларга куйилса уларнинг сатхи жарликнинг эрозия базиси хисобланади.

Сел окимлари. Жарлик ерларда кузатиладиган эрозия жараёни, тоглик туманларда жойлашган сойлар ва дарёларда яна хам катта куч билан жадал ривожланади. Чунки бундай ерларда баҳор ойларида жала ёмгирлари булган ва кор жадаллик билан эриган даврларда, таркиби катта хажмда майдаланган жинслар билан туйинган, катта кучли оким хосил булади ва харакат килади. Бу окимлар таркибидаги парчаланган жинс булаклари хисобига катта эрозион иш бажаради.

Окимлар тог олди текисликларига чикиши билан куп сонли шахобчаларга булинади. Шахобчаларга тармокланиш ва куп микдордаги сувнинг ер остига шимилиши оркасида ташиб келтирилган жинс булаклари тог олди текисликларига конус шаклида ёйилиб ёткизилади. Ёткизикларнинг бундай шаклда ёйилиб ёткизилишини-**ташилиш конуси** деб аталади.

Ёткизилган жинс парчалари яхши сараланмаган ва силликланмаган булади, чунки бу жинс булакларининг босиб утган йули анчагина киска. Бу чукинди ёткизикларни-**пролювий деб юритилади**.

Сел окими деб, киска муддат ичида (ун минутлардан 2-3 соатгача) катта тезликда харакат килувчи, таркиби жуда куп микдорда жинс булаклари билан туйинган (60-75%) ва катта бузиш кучига эга булган пульсацион узилиб харакатланувчи окимга айтилади.


Сел окими уни ташкил килган каттик маҳсулотнинг таркибига кура лойка окими, тош-лоика окими, сув-тош окими ва сув-кум окими турларига булинади.

Сел окими ёткизиклари дунглик ва тулкинсимон турли куринишдаги рельефни хосил килади.

Дарёларнинг геологик фаолияти. Дарё эрозияси. Дарё суви узанини ва киргокларини ювади, чукурлаштиради ва кенгайтириб беради. Агар дарё сувининг тезлиги катта булса, уз тагини жадаллик билан ювади ва таги буйлаб катта жинс булакларини юмалатади, майда булакларни эса оқизади. Мана шу жинс булаклари эса тог жинсларини арралашга, чукурлатиб киркишига асосий сабаб булади.

Дарё сувларининг уз тагини ва киргокларини ювиш жадаллиги ва микдори водийда таркалган тог жинсларининг таркибига ва мустахкамлигига боғлиқ. Сувлар тог жинсларини ювиб, киялик асосларини уяди, чукурчалар хосил килади ва киялик мустахкамлигини камайтиради, сунгра тог жинслари сувга агдарилади. Бу тог жинслари парчаланади ва дарё сувлари билан ташиб ювиб кетилади.

Дарё узанининг уйилиши маълум чукурликгача давом этади, Дарё узанининг мана шу чизигини **мувозанат кесими** дейилади



Дарё водийси кундаланг кесимининг шаклланиш схемаси

I-I водийнинг дастлабки холати, 2-2 ва 3-3 водийнинг сунгги холатлари, б-дастлабки эрозия базиси, в-сугги боскичдаги эрозия базиси.

Оким буйлаб дарё узанининг киялиги (нишаби) камайиб боради ва куи оқимда горизонтал юза холатига якинлашади. Киялик камайиши билан сув оқимининг тезлиги пасаяди ва узанни чукурлатувчи эрозия, ён томонни юувучи эрозия билан алмашинади. Дарё олиб келган чукиндиларини (лойка, кум ва бошка жинсларини) ёткиза бошлайди. Ён киргокларининг ювилиш натижасида, дарё водийси кенгайиб боради. Бу жараён айникса баҳор-ёз ойларида яккол кузга ташланади.

Оқимнинг кучи билан киргокларнинг ювилиши уртасида мувозанат хосил булса, дарё ён киргокларини ювишдан тухтайди. *Меандралар хосил булади.*

Шимолий ярим шарда дарёлар унг киргокларини, жанубий ярим шарда эса чап киргокларини ювади.

Бу ходисани сув оқимиға ернинг уз уки атрофида айланиши таъсири билан тушунтирилади.

Чукинди ташиш ва ёткизиш. Дарё водийларининг ёткизикларида, аллювийнинг уч фацияси ажратилади: узан ёткизиклари, кайир ва кадимги дарё ёткизиклари.

Кайир ёткизиклари асосида узан ёткизиклари жойлашаган ва улар кумлардан, шагаллардан, кумок тупрок ва гилли тупроклардан иборат.

Эски дарё ёткизиклари тук рангдаги гилли ва кумок тупроклардан ташкил топади хамда таркибида чучук сувларда ривожланадиган молюскаларнинг чиганоклари, усимлик колдиклари учрайди. Эски дарё ёткизиклари одатда кайир ёткизиклари билан копланган булади.

Дарё оқимининг юкори кисмида йирик донали жинслар, урта кисмида урта катталиқдаги жинс доналари куйи кисмида эса майда донали жинс доналари конуний равишда ёткизилган булади. Гил зарралари эса дарё сувлари билан эрозия базиси жойлашган хавзага ташиб келтирилади ва ёткизилади. Жинс булаклари билан бир каторда дарёлар денгиз ва океанларга куп микдорда эриган туз махсулотларини олиб келади.

Аллювий ёткизиклари одатда яхши сараланган ва кия катламланган булади.

Дарё водийсининг шакланиши бир неча ун, юз минг йиллар давом этади ва бир неча боскичда содир булади.

1.Чукурлатувчи эрозия боскичи. Бу боскичда дарё сувлари туб жинсларни ёки уз ёткизикларини ювади ва уз узанини чукурлатади

Водий чукурлашиб борган сари унинг киялиги камайиб боради, окимнинг тезлиги ва уйиш жадаллиги хам камайиб боради. Дарё эса аста-секин мувозанат кесимини эгаллаб боради.


2. Ёнлама эрозия боскичи. Бу боскичда чукурлатувчи эрозия урнини ёнлама эрозия эгаллайди ва водий "U" шаклига эга булади. Ва чукиндиларини (аллювий) ёткиза-бошлайди.

3.Водийнинг аллювиал ёткизиклар билан тулдирилиши иккинчи боскич билан бир вактда бошланади. Атроф юзалар эса текислик шаклини олади.

4.Водий ривожланишининг бу боскичидаги чукинди ёткизиш жараёни ташиш жараёни билан алмашинади.


Агар дарёнинг эрозия базиси пасайса унинг кундаланг кесими тикланади, дарё уз узанини кайтадан жадал юва бошлайди ва уз ёткизиклари жойлашган текис юзаларда янги водийни хосил килиш бошланади (янги эрозион боскич бошланади).

Дарёда сув кутарилиши даврида водийнинг сув босмайдиган эски кайири, кайир усти террасаси дейилади. Дарё куйилиш жойининг бир неча марта пасайиши натижасида кайир усти террасалари тизимлари хосил булади.



Дарё водийиси террасалари

- I - аккумулятив террасалар;
- II - эрозион терраса III - скульптура террасаси;
- IV - водийнинг туб киргоги;



Дарё водийисининг кундаланг кесими

- I, II, III - кайир усти террасалари.
- Терраса элементлари: А-юзаси, Б-чеккаси, В-зинаси, h-баландлиги, а - туб тог жинсларининг табиий киялиги, б -бечевникнинг табиий киялиги

Энг юкорида жойлашган кайир усти террасаси ёши катта, кайир эса энг кичик ёшдаги терраса хисобланади. Террасаларга пастдан юкорига караб тартиб сони берилади.

Хосил булишига кура террасалар аккумулятив, эрозион ва цокол турларига булинади.


Аккумулятив террасалар аллювий ёткизикларидан, эрозион террасалар туб жинслардан, цокол террасалари эса асосан туб жинслардан, кисман эса аллювий ёткизикларидан ташкил топади.

Аллювиал ёткизикларнинг калинлиги одатда бир неча метрдан 80-100 метрларгача узгариб туради. Аммо айрим Ер майдонининг узок муддат букилган (ботик) ерларида 400-500 метрларга етиши мумкин.

Музликларнинг геологик фаолияти

Музликлар. Вакт утиши билан бу масса зичланиб боради ва куйма масса куринишидаги рангиз музга айланади. Кор чизигидан юкорида жойлашган эримайдиган муз ва кор массасига музликлар дейилади. Музликлар уз шаклига ва харакатининг характерига кура *тоз* ва *материк* музликларига булинади.

Чукинди ёткизиш жараёни фаслий характерга эга булғанлиги учун, бу ёткизикларга кичик катламли текстура характерли булади. Бир йиллик катлам кум ва гил катламчаларидан ташкил топади. Бу ёткизиклар *тасмасимон гиллар* дейилади. Музлик остидан чикувчи сувлар ёйилиб кенг елпигичсимон шлейф хосил килиб оқади ва ёткизилган чукиндилар *флювиогляциал* (музлик сувлари) ёткизиклари дейилади.




расм. Морена турлари

а - музлик тилининг тархдаги куриниши; б - музлик тилининг киркимдаги куриниши; М- урта морена; L - ён мореналар; Ma - сунгги мореналар; в -музлик тилига жойлашган моренанинг кундаланг кесими;F - остки мореналар; Т - музлик остки мореналари;Ma - чекка мореналар.

Денгизларнинг геологик иши

Денгиз ёткизиклари. Денгиз тагининг кесимини *туртта: литорал, нерит, батиал ва абиссал минтакаларга булинади.* Нерит минтакаси Материклар ва ороллар атрофида 60-70 км кенгликда жойлашган. Минтаканинг чукурлиги 20 метрдан 200 метргача айрим вактда 400 метргача булади. Бу минтакада кумлар, гиллар, иллар, охакли иллар, доломитлар, бокситлар, кораллар ёткизилган.



расм. Денгиз киргогининг
тулкинлар таъсирида бузилиши
АБ - киргок киялигининг дастлабки
чизиги; ГД - киргок бузилишидан сунг
хосил булган пляж; М - денгиз юзаси
чизиги чапда-киргок бузилишидан
хосил булган чакик жинслар ёткизилган.

**Эътиборингиз
учун раҳмат !!!**
